Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan | 2002 yil, 18 oktabr № 43 (528) | Sotuvda narxi erkin


## ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЗАРУР

***Жиззах вилояти Давлат алоқа инспекцияси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши билан келишилган режага асосан август-сентябр ойларида "Жиззах почтаси" АЖга қарашли Зомин, Зарбдор ва Ўсмат филиалларида текширишлар ўтказди.***

Текширишлар жараёнида акциядорлик жамиятининг Зомин филиали 59, Зарбдор филиали 18 ва Ўсмат филиали 21 фоизга қадар бўлиши зарур қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминланмаганлиги, хабарчилар иши ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини таҳлил қилиб бориш мақсадида истеъмолчиларга 125-шакл сўровномалар тарқатиш ҳамда эксплуатация бўйича ходимлар билан ўқишлар ташкил этилмаганлиги аниқланди.

Шу билан бирга "Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларининг бажарилишини ўрганиш мақсадида текширилган филиалларда ўзбек ёзувига асосланган лотин алифбосини ўргатиш бўйича ишлар ташкил қилинмаган ва кундалик иш жараёнида ишлатиладиган янги ишлаб чиқариш бланкалари билан ҳам тўлиқ таъминланмаган.

Ишлаб чиқариш жараёнида (107, 112, 114-шаклларда "Ўзбекистон Алоқа вазирлиги", 47-шаклда чипта дафтарида "Министерство связи РУз", 1, 3-шакл чипта дафтари ва 116-шакл бланкасида "Министерство связи СССР" ёзувлари бор) собиқ Иттифоқдан қолган иш қоғозларидан ҳанузгача фойдаланилаётганлиги маълум бўлди.

"Жиззах почтаси" акциядорлик жамияти 2002 йилнинг 23 августида "Давлат тилида бўлмаган иш қоғозларини йўқламадан ўтказиб йўқ қилиш, бундай иш қоғозларидан умуман фойдаланмаслик тўғрисида"ги 80-сонли буйруқ чиқарган бўлсада, наинки буйруқ, балки юқорида тилга олинган Қонун талаблари ҳам бажарилмаётганлиги унинг филиалларида ижро интизоми етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.

Ушбу камчиликларни келгусида бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди ва бажарилиши назоратга олинди.

Бу кўрсатмаларнинг бажарилишини назорат қилишдан мақсад ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларининг ижросини ўз вақтида таъминланишига эришишдир.

Шундай экан, жойлардаги мутасадди раҳбарлар ишлаб чиқариш жараёнида масъулият ҳиссини унутмасдан, ижро интизомини мустаҳкамлаш борасида иш олиб борадилар деб умид қиламиз.

**Х.МАМЕДОВ,**
**Жиззах вилояти Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи**

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИ ОШМОҚДА

***Чиноз телекоммуникация боғламасида кечаю кундуз аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатилиши таъминланган. Биз корхона бошлиғи, қарийб чорак асрдан бери шу соҳада ишлаб, 1994 йилдан катта жамоага раҳбарлик қилиб келаётган Абулқосим ҲАЙДАРОВ билан суҳбатлашдик.***

– Ҳозирги кунда 4395 та телефон нуқтасига эгамиз, – деди А.Ҳайдаров. – Унинг 2586 таси шаҳарда, қолганлари эса қишлоқларда жойлашган. Аҳолига намунали хизмат кўрсатиш мақсадида 2003 йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб 3000 ўринли марказий АТСни реконструкция қилишга киришамиз ва хорижда ишлаб чиқарилган замонавий техника билан жиҳозлаймиз. Бу сўзсиз хизмат сифатини оширишга ёрдам беради.

Жамоамизда ойлик топшириқлар мунтазам суратда ошиғи билан бажарилиб келинмоқда. Тўққиз ойлик режа 60 миллион 168 минг ўрнига 63 миллион 661 минг сўмга адо этилди. Эришилган бу ютуқда муҳандис-техник ходимларимиздан Марат Шафиев, Баҳодир Акбаров, Рихситилла Нурматов, Абдуқаҳҳор Абдукаримов, Абдусалом Бозорбоев, Рустам Қосимов ҳамда Шаҳодат Қўшбоқова, Дилором Нурматова, Лариса Ли, Аъло Қосимова каби телефончиларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Айни дамда республикамизда пахта йиғим-терим мавсуми қизғин давом этяпти. Туманимиз пахтакорлари вилоятда биринчилардан бўлиб шартномани бажариш арафасида турибдилар. Ана шу қизғин паллада биз телефонларнинг бир зум бўлсада узилиб қолмаслиги учун ҳаракат қиляпмиз.

Бизни тумандаги яна бир нарса диққатимизни тортди. Бугунги кунда республикамизнинг айрим вилоят ва туманларида радиоэшиттиришлар тўхтаб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Аммо Чинозда 3000 та радионуқта узлуксиз ишлаб турибди. Хонадон ва дала шийпонларида ўрнатилган радиолар дала меҳнаткашларининг маданий ҳордиқ чиқаришларига хизмат қилмоқда. Чинозлик алоқачиларнинг бу ибратли ишлари диққатга сазовор, албатта.

Туманда ҳозиргача 95 та янги телефон нуқтаси ва шаҳарлараро алоқа хизмати кўрсатувчи АОН номли электрон қурилма ўрнатилди. "Йўлтушган" ва "Ўзбекистон" ширкатлар уюшмасида янги АТСлар иш бошлади.

Туман почта алоқа корхонасида бўлганимизда бу ерда ҳам жамоа ходимлари ўз иш режаларини йиғим-терим мавсумига мослаб олганлигининг гувоҳи бўлдик.

– Почтачиларимиз хат, газета, пенсия ва нафақа пулларини пахта даласига элтиб беришмоқда, – дейди "Тошкент почтаси" АЖнинг Чиноз филиали бошлиғи Файзираҳмон Абдураҳмонов. – 77 нафар ходимимиз почта хизмати кўрсатиш билан бир қаторда пахтакорларимизга ҳам ёрдам беришмоқда.

Ҳа, чинозлик алоқачиларнинг шу кунларда олиб бораётган ишлари чиндан ҳам таҳсинга лойиқ.

**Ўткир САИДОВ**

Ҳозирги вақтда коммуникация соҳасида йилдан-йилга янги ихтиролар қилинмоқда. Ушбу янгиликлар қисқа муддат ичида ҳаётга татбиқ этилиб, шу вақтга қадар хаёлдагина бўлган нарсалар оддий ҳақиқатга айланмоқда. Соҳадаги улкан ўзгаришлар заминида коммуникация ва ахборот технологияларининг бевосита уйғунлиги ва бир мақсад – мижозга тез, сифатли ҳамда арзон нархда маълумот етказиш ётади.

Республикамизда бу борадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида қисқа фурсат ичида катта ишлар қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йилнинг 30 майида "Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ҳақида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил, 6 июндаги "Компютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Дарҳақиқат, қабул қилинган ушбу ҳужжатлар республикамизда компютерлаштиришни ривожлантириш, ахборот технологияларини иқтисодиётнинг турли соҳаларида кенг қўллаш, жаҳон ахборот тармоқларига чиқиш учун кенг имкониятлар очади.

## ЖАМҒАРМАНИНГ ЯНГИ ВАЗИФАЛАРИ

Юқорида қайд этилган Фармондан сўнг Жамғарманинг номи "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси" деб ўзгартирилди ва унинг муҳим вазифалари қаторига маълумотлар узатиш тармоқлари ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришдаги устувор лойиҳалар, илмий ишлар ва дастурлар, шунингдек, тармоқ хизматларининг янги турларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни, ушбу соҳа бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини ривожлантиришни молиялаштириш вазифалари киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил, 23 сентябрдаги Қарори билан Жамғарманинг янги таҳрирдаги Низоми тасдиқланди. Ушбу Низомга ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда асосан лойиҳаларни танлаш, тақдим этиш ва молиялаштиришга қаратилган қатор тўлдиришлар киритилган. Бундан ташқари Низом тасдиқланган кундан эътиборан соҳада фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес иштирокчилари Жамғарманинг АТ "Алоқабанк"даги кредит тармоғи орқали ўз лойиҳалари учун кредит олишлари мумкин.

Ўтган даврга назар солсак, Жамғарма ташкил этилган йилдан шу кунга қадар 3 млрд. сўмдан ортиқ маблағ тўпланган. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида 1 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йиғишга эришилди.

Тўпланган маблағлар Жамғарма Низомида кўрсатилган фаолият турларини молиялаштиришга қаратилганлиги боис 1997-2002 йиллар давомида қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришга 79 млн., почта алоқаси ходимлари меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида 17 млн., коммуникация тармоқларини қайта қуриш ва ривожлантириш учун 391 млн., алоқа соҳасида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилишга 164 млн., кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантиришга 78 млн., почта ва алоқа хизматини такомиллаштириш мақсадида компютер сотиб олиш учун 215 млн. сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилди. Соҳадаги корхона, ташкилотлар учун 600 млн. сўмлик вақтинчалик моддий кўмак берилди. Шунингдек, Жамғармадан берилган маблағлар ҳисобига бир қатор илмий ишлар қилинди, соҳа учун зарур бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, ўз олдимизга маблағларнинг янги манбаларини топиш ва мавжудларини кенгайтириш, Жамғарма ҳақида "веб" саҳифа яратиб, чет эл сармояларини соҳага жалб этиш, молиялаштириш бўйича мавжуд меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, қарз бериш жараёнига кетадиган вақтни қисқартириш, маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш каби муҳим вазифаларни қўйганмиз.

Соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларга жавобан Жамғармада ташкилий ва ишлаб чиқаришга алоқадор ишлар амалга оширилди. Бир қатор муҳим меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномалар ишлаб чиқилди, самарали иш услуби ва устувор йўналишлар белгиланди. Қилинган ишларнинг ҳаммаси Жамғарма иш сифатини ошириб, соҳани янада ривожлантиради деб ўйлаймиз.

**Р.АСҚАРОВ,**
**Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси директори,**
**А.НАЗАРОВ,**
**бўлим бошлиғи**


• Обуна — 2003

**"XABAR"ГА ОБУНА БЎЛИНГ!**

***ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!***

2003 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда. Агар Сиз "Xabar"га яна обуна бўлсангиз, алоқа соҳасидаги жамики янгиликлар, муаммолар ва диққатга сазовор масалалардан ўз вақтида хабардор бўлиб борасиз.

Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

**Нашр кўрсаткичи:**

Якка тартибдаги обуначилар учун — 227.

Ташкилотлар учун — 228.

"Xabar" газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни хонадонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилинг!


## ТРЕНИНГ ЎТКАЗИЛДИ

"Сирдарё Телеком" филиалида шу йилнинг 9-10 октябр кунлари "Винрок-Интернейшнл" Америка-Ўзбекистон халқаро фондининг "WILL" лойиҳаси асосида "Хотин-қизларнинг интеграциялашган ҳуқуқий саводхонлигини ошириш" бўйича тренинг машғулотлари ўтказилди.

Тренинг машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш учун сарф-харажатлар халқаро фонд ҳисобидан тўланди. Машғулотларнинг асосий мақсади ва мазмуни хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг асосий ҳуқуқлари ва бошқа ҳаётий масалалар бўйича саводхонлигини оширишдан иборат эди.

Тренинг машғулотларида корхонамиз хотин-қизлари фаол иштирок этдилар ва ўзлари қизиққан саволларга жавоб олдилар.

Корхонамиз маъмурияти ва хотин-қизлари шундай қизиқарли, мазмунли тренинг машғулотларини ташкил қилганлари учун "Винрок-Интернейшнл" Америка-Ўзбекистон халқаро фонди вакилларига ўзларининг самимий миннатдорчилигини билдирадилар.

**У.РАЖАБАЛИЕВ,**
**"Сирдарё Телеком" филиали етакчи муҳандиси**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР**

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14-15 октябр кунлари жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни билан танишиш учун Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларига ташриф буюрди.**

• Олий Мажлисда "Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида банк тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар" мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

**• АҚШ давлат департаменти мамлакатимизга замонавий ташхис ва даволаш ускуналарини беғараз ёрдам сифатида юборган эди. Айни пайтда АҚШлик тиббиёт мутахассислари водийлик ҳамкасбларига ускуналардан фойдаланишни ўргатиш ва тажриба алмашиш мақсадида Андижонга келишди.**

# УНИВЕРСАЛ ХИЗМАТЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

Республикамиз қонунчилигида универсал телекоммуникация хизмати тушунчаси дастлаб Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги “Телекоммуникация тўғрисида”ги почта алоқаси универсал хизмати эса 2000 йилги “Почта алоқаси тўғрисида”ги Қонунда кўрсатиб берилган эди.

Телекоммуникациялар универсал хизмати – бу умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғи мижозларига белгиланган сифатлар доирасида хизмат кўрсатилиши лозим бўлган жамланма бўлса, почта алоқаси универсал хизматлари барча мижозларга умумий фойдаланишдаги почта алоқасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёзма хатларни жўнатиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар мажмуидир.

Почта алоқаси ва телекоммуникациялар универсал хизматлари рўйхатига киритилган вазифалар республика алоқа тармоғида давлат бошқарувини амалга оширувчи махсус таъсис этилган орган – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан аниқланади ва Республика Давлат монополиядан чиқариш ва рақобатни кучайтириш қўмитаси билан мувофиқ ҳолда иш кўради. Шунингдек, почта алоқаси ва телекоммуникациянинг универсал хизматлари тарифлари давлат томонидан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан тасдиқланган “Табиий монопол субъектларининг товар (иш, хизмат)ларига нарх (тариф)ларни ўрнатиш тартиби тўғрисидаги Низом”га биноан почта алоқаси ва телекоммуникациянинг универсал хизматлари тарифлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда соҳадаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Телекоммуникациялар универсал хизматлари тарифлари истеъмолчиларнинг (аҳоли, бизнес мижозлар) тоифалари ҳамда қўллаш жойига (қишлоқ, шаҳар) кўра дифференцияланади. Демак, телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш қулайлигини ошириш мақсадида тарифлар миқдори аҳоли ва бизнес мижозлар учун анчагина фарқли даражада ўрнатилади. Лекин айни чоғда аҳоли турмуш тарзининг яхшиланиб бориши билан истеъмолчилар ҳамда шаҳар ва қишлоқ тарифлари ўртасидаги фарқ қисқариб боради.

Шаҳарлик абонентларга кўрсатиладиган хизматлардан қишлоқ аҳолисининг ҳам тенг равишда фойдаланишлари учун телекоммуникация хизматларининг арзон нархда белгиланиши аввалдан маълум. Ҳисоб-китобларга кўра, қишлоқ ҳудудида телефон тармоғи ўрнатиш таннархи шаҳардагига нисбатан бир неча баробар юқори туради. Яъни қишлоқда телефон тармоғини ўрнатиш ҳақи 2524 сўмни ташкил этади. Бепул таъминланадиган 40 метр телефон кабелининг нархи эса юқоридаги сумрадан анча ортиқдир. Натижада кўрсатилган хизмат ўзини оқламайди ва харажатларни қоплашда бошқа манбалардан фойдаланиш зарурати туғилади.

Жаҳон тажрибаси юзага келадиган зарарларни молиялашнинг хизмат бозоридаги иштирокчилар ажратмалари ҳисобидан йиғилувчи ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматлар кўрсатувчи операторлар зарарларини қоплаш учун маблағ ажратувчи махсус жамғарма орқали операторлар ҳисобидан молиялаш, мамлакатнинг барча ҳудудларида универсал хизматлар кўрсатиши мажбурий ва маълум имтиёзга эга бўлган операторни ўз ичида бошқа хизмат тарифлари ҳисобидан молиялаш каби асосий усулларни таклиф қилмоқда. Шу тариқа Ўзбекистон Республикасида почта ва телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи операторлар қўллаб-қувватланади.

Хорижий компаниялар билан бўладиган ўзаро ҳисоб-китобларда зарарга йўл қўймаслик мақсадида халқаро телефон алоқаси хизматлари ўрнатилган бўлиб, ушбу хизматлардан тушадиган фойда бошқа телекоммуникациянинг универсал хизматларига сарфланадиган харажатларни қоплаш учун етарли бўлади.

Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, 2001 йили “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясида халқаро хизматлар бўйича умумхўжалик фаолияти рентабеллигининг ошиши компаниянинг бутун тармоқлари рентабеллигини оширган.

Почта алоқасининг универсал хизматларига сарфланадиган харажатлари ҳар доим ҳам хизматлардан тушадиган даромад томонидан қопланмайди. Почта алоқаси юқори рентабелли хизматларни кўрсатмагани боис, бошқа хизмат тарифлари ҳисобидан молиялаш телекоммуникация соҳасига қараганда почта алоқаси учун номувофиқдир.

Почта алоқаси универсал хизматларини молиялаш мақсадида “Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига кирувчи почта алоқаси корхоналари томонидан кўрсатиладиган почта алоқасининг универсал хизматларини молиялаш тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилди ва амалга киритилди. Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, почта алоқаси универсал хизматларини 2002 йилнинг биринчи ярмида молиялаштириш масаласи кўрилди ва Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси томонидан маблағ ажратилди.

Маҳаллий ва шаҳарлараро телефон алоқаси хизматлари тарифларини аста-секин кўтариб бориш ҳамда халқаро алоқа хизматлари тарифларини фойда олишга етарли даражада сақлаш орқали қайтадан бир-бирига мослаштириш йўли билан бошқа хизмат тарифлари ҳисобидан қоплашни қисқартириш телекоммуникациянинг универсал хизматлари соҳасидаги асосий масала ҳисобланади. Маҳаллий ва шаҳарлараро телефон алоқасининг универсал хизматлари рентабеллигини таъминлаш ҳам муҳим вазифадир. Бошқа хизмат тарифлари ҳисобидан қоплашни қисқартириб бориб, тарифлар оптимал даражасидаги нисбатга келгандан сўнг қишлоқ жойларда кўрсатиладиган телекоммуникациялар универсал хизматларини ҳам Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасидан молиялаш мумкин бўлади.

**В.ТАРАСЕНКО,**
**Агентлик Маркетинг тадқиқотлари ва тарифлар бўлими бошлиғи**

# ХОНҚИЗЛИКЛАР ДУНЁ БИЛАН ГАПЛАШАДИ

Фарғона туманининг чекка қишлоқларидан бири — Хонқизда ИКМ-15 алоқа қурилмаси ўрнатилди. Ушбу қурилма ёрдамида қишлоқ аҳолиси дунёнинг хоҳлаган жойига телефон орқали чиқиш имкониятига эга бўлди.

“Нефтчилар” шаҳарчаси ва Миндон қишлоғида эса шаҳарлараро сўзлашув пунктлари очилиб, аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Фарғона телекоммуникациялар боғламасида 75 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Туманнинг 137 км.га яқин ҳудуди Қирғизистон билан чегарадошлиги алоқа хизмати кўрсатишда қийинчилик туғдиради. Водил, Ёшларобод, Аввал қишлоқларида EDCF лойиҳаси бўйича замонавий, такомиллашган рақамли электрон АТСлар ўрнатилгани қийинчиликларни бартараф этиб, мижозларга қулай, тез ва сифатли хизмат кўрсатиш билан бир қаторда даромадни оширишга ҳам ёрдам бермоқда.

Помир, Олой тоғ тизмалари этагида жойлашган туманнинг Шоҳимардон ва Чимён қишлоқларидаги қатор дам олиш масканларига ҳар йили республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан дам олувчилар келади. Уларни сифатли алоқа билан таъминлаш мақсадида Водил-Чимён йўналиши бўйича ИКМ-30 алоқа воситаси монтаж қилиниб, ишга туширилиши арафасида турибди. Шунингдек, туман алоқачилари қўшимча даромадни кўзлаб ҳар бир қишлоқ марказида сўзлашув шахобчалари очишни ният қилганлар. Ҳозирча 8 та ана шундай шахобчалар ишлаб турибди.

“Об-ҳаво” маълумотларига ким ҳам қизиқмайди дейсиз? Айниқса, “Шамол, довул бўлиши кутиляпти” деган хабар энг аввало, алоқачилар зиммасига катта масъулият юклайди. Ёз жазирамасида, қишнинг аёзли кунларида темир чангаллаш, яёв юриб симёғочларни кўздан кечириш, шикастланган жойларни аниқлаш — барча-барчасини маромига етказиб бажариш учун бой тажриба ва маҳорат керак. Майда-майда симларни жой-жойига аниқ улаш учун эса сабр-тоқат, метин ирода зарур. Албатта, буларни ўз касбининг устаси бўлган кишиларгина уддалайди.

Шу йилнинг 30 июл ҳамда 20 августларида рўй берган сел тошқинлари оқибатида Водил қишлоғида 9 км.дан ортиқ очиқ кабел ва қудуқлар зарар кўрди. “Фарғона Телеком” филиали раҳбарияти томонидан кўрсатилган амалий ёрдам туфайли қайта таъмирлаш ишлари зудлик билан амалга оширилди. Иш бажариш мобайнида 70-80 нафар боғлама ходимлари билан бир қаторда Алоқа таъмирлаш корхонаси ва Алоқа сервис ходимлари ўз меҳнатлари билан яқиндан ёрдам беришди.

Мақсад — аҳоли узоғини яқин қилиш ва беминнат хизмат кўрсатишдир.



***Суратда:** Фарғона телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Равшанжон ИСМОИЛОВ (ўнгда) алоқачиларга маслаҳат бермоқда.*

**Лутфилло ТУРСУНОВ**

Тошкентда GSM 900/1800 андозадаги уяли алоқа хизмати кўрсатаётган “COSCOM” Ўзбек-Америка қўшма корхонаси томонидан чиқарилган ана шундай облигацияларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Облигацияларнинг умумий қиймати 1 миллиард сўм бўлиб, икки хил муддатга чиқарилган. Йиллик фоизи – 29. Ушбу қимматли қоғозларни чиқариш ташкилотчиси Халқаро эмиссия синдикати (ХЭС), бош андеррайтери эса “Бизнес-банк”дир.

# КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯ – ЯНГИ МОЛИЯВИЙ ВОСИТА

– Замонавий молия воситаларини жорий этмасдан, улардан фойдаланмасдан туриб, компания ривожини тасаввур этиб бўлмайди, – дея таъкидлади “COSCOM” қўшма корхонаси бош директори матбуот анжуманида. – Биз ўзаро мақбул йўлни топганимиздан хурсандмиз ва бу билан фахрланамиз. Корпоратив облигациялар кредитга нисбатан бирмунча афзалликларга эга.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Корпоратив облигациялар капитал бозоридан инвестицияларни жалб этиш борасида дунёга танилган воситадир. Чунки унга тайёргарлик жараёни кўп вақт талаб этмайди, инвестицияларни олиш харажатлари банк кредитларига қараганда анча кам. Тижорат кредитлари миқдорига нисбатан эса анча кўп ҳажмда қарз маблағларини жалб қилиш мумкин. Зеро, битта тижорат банкининг корхонага бериши мумкин бўлган кредит миқдори маълум даражада чекланган.

Эмиссия акцияларига нисбатан олганда ҳам заёмлар катта афзалликларга эга. Масалан, корпоратив облигациялар корхоналарга мулкни ўзгартирмай ва қайтадан тақсимламай туриб капитал бозорига кириш имконини беради. Облигация заёмларини жойлаштириш икки таркибий омилга, яъни эмитентнинг кредит тарихи ва унинг кредит қобилиятига боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, “COSCOM” қўшма корхонаси телекоммуникация соҳасидаги уяли алоқа компаниялари ўртасида корпоратив облигациялар чиқарадиган биринчи корхона ҳисобланади. Қолаверса, компания ҳар доим ўзининг барқарорлиги, узлуксиз ривожланиши, шунингдек, ишончли фаолияти билан ажралиб туради.

“COSCOM” компаниясининг фаолият юритиши учун инвестицияларни жалб этиш ҳозирги ўтиш даври шароитида муҳим аҳамият касб этади. Илгари жалб этилган бир неча миллион долларлик инвестициялар компания томонидан лизинг асосида олинган эди. Шуниси диққатга сазоворки, бу жараёнда унинг муассиси лизинг берувчи вазифасини ўтади.

Ҳозир қўшма корхона облигацияларини бирламчи жойлаштириш жараёни кечмоқда. Қимматли қоғозларнинг юз фоиз ликвидлиги бош андеррайтер томонидан кафолатланганлиги ва эмитентнинг молиявий аҳволи ҳисобга олингани инвестициялашнинг энг мақбул воситасидир. Эмиссиядан олинган пул маблағларини қўшимча техник жиҳозлар харид қилишга йўналтириш режалаштирилмоқда. Бу эса компания тармоғини бутун мамлакат бўйлаб янада кенгайтириш, кўрсатилаётган уяли алоқа хизмати сифатини ошириш, ушбу хизмат учун ўзгарувчан тариф тизимини таклиф этиш ва шу тариқа мижозларни ундан фойдалана олишини таъминлаш имконини беради. Натижада компания кўплаб қўшимча абонентларни жалб этиб, кутилган даромадни қўлга киритади ҳамда ўзининг рентабеллик даражасини оширади. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги кунда ҳам, келажакда ҳам ҳар йили фойданинг сезиларли даражада ўсиб бориши “COSCOM” компаниясининг республикамиз фонд бозорида муносиб тарзда иштирок эта олишидан, ушбу бозорда инвесторлар учун фойдали шартларни таклиф этишидан ва қимматли қоғозлар бўйича фоизларни ўз вақтида тўлашга қодир эканлигидан далолат беради.

Корпоратив облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш, айни пайтда уларни амалиётга жорий этиш бўйича халқаро тажриба молиявий ресурсларни жалб этиш нақадар самарали эканлигини кўрсатмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

**• Алоқа матбуот кўзгусида**

## ПОЧТАЧИ КАБУТАРЛАР

Аввалига бу воқеанинг ҳеч қандай ғалати жойи йўқ эди. Тўғри, уйланишга қарор қилган америкалик Тед Блонк ўзига хос иш тутмоқ ниятида маъшуқаси Аннага ишқ изҳорини каптар орқали жўнатмоқчи бўлди. Аммо унинг омади келмади. Ёки аксинча, жудаям омади чопди. Ҳамма гап шундаки, оёғига мактуб боғланган каптар бошқа деразага учиб кирган.

Энди хонага учиб кирган почтачи каптарнинг аҳволини тасаввур қилайлик. “Мен бунинг англашилмовчилик эканлигини дарҳол тушундим, – дейди 35 ёшли Дорис Шептлеби. – Чунки ҳеч қачон мактуб юборган йигит билан таниш бўлмаганман. Аммо очиғини айтганда, турмушга чиқишингни сўраган дил изҳорини почтачи каптар олиб келиши – жуда романтик ишда. Ўйлаб кўриб, ўша йигит билан танишишга аҳд қилдим. Унга “Биринчи учрашувсиз турмушга чиқмайман” деб жавоб ёздим-да, тагидан исмим ва телефонимни қўшиб қўйдим”.

25 ёшли Блонк дарҳол Дорисга қўнғироқ қилди. Иккови ҳам Детройтда яшашади. Улар учрашув ҳақида келишиб олишди. Уларнинг биринчи учрашуви бир ярим соат давом этди ва шундан сўнг улар унашишди.

Анна-чи? Наҳотки Тед илгариги севгилисини дарҳол унутган бўлса?

“Биз еттинчи синфдан бери дўстмиз, – дейди у. – Севишганлардан кўра ака-сингилга кўпроқ ўхшардик. Аммо ота-оналаримиз қачондан бери уйланишга мажбур қилишяпти. Шунинг учун ҳам мен ундан турмушга чиқишини таклиф қилгандим”.

Нима бўлишидан қатъи назар, Тед қушнинг Дорис деразасидан адашиб кирганига ишонмайди. Унинг айтишича, бу тақдир ҳукми экан. “Эҳтимол, ишонмассиз, аммо биз ҳар тарафлама бир-биримизга мос келамиз. Ҳазилни бир хил қабул қиламиз, икковимизга бир хил филмлар ёқади ва энг муҳими, Дорис ҳам мен сингари каптарларсиз яшай олмайди”.

Ёшлар яқинда тўй қилишмоқчи, ҳозирча Тед оилавий ҳаётлари учун мос келадиган кичикроқ уй қидиряпти. Уни бадавлатлар маҳалласи қизиқтиради, деб ўйларсиз? Ёки бўлғуси уйидаги хоналар сонимикин? Йўғ-э! Тед шунчаки чорбоғи ва катта томи бор уй қидиряпти. Нега-лигини тушунгандирсиз? Ҳа-ҳа, у билдирмай, севгилисига тўй совғаси – катта каптархона ҳозирламоқчи!

# ЎЗБЕКИСТОН ДЕГАН АФСОНА – ВАТАН!

*•Назм гулшани*

### ВАТАН

Бобом изларида кўкарган тупроқ,
Руҳимда янграган ям-яшил чақмоқ.
Сен ўша жон аро титранган титроқ
Буюк Шарқ қўйнида ягона — Ватан!
Ўзбекистон деган афсона — Ватан!

Қуйингда тебрансам ғамлар тўкилди,
Мангу қуёшингдан шаъмлар тўкилди.
Кўзингдан эрк деган дамлар тўкилди,
Буюк Шарқ қўйнида ягона — Ватан!
Ўзбекистон деган афсона — Ватан!

Ўтмишингда не-не шарифлар ўтди,
Тунларинг муборак кундузинг кутди,
Ўзбек деган бир ном дунёга кетди.
Буюк Шарқ қўйнида ягона — Ватан!
Ўзбекистон деган афсона — Ватан!

Ҳар хору ҳасингга кўнгил боғладим,
Эл деган касингга кўнгил боғладим.
Ўшал ҳур сасингга кўнгил боғладим.
Буюк Шарқ қўйнида ягона — Ватан!
Ўзбекистон деган афсона — Ватан!

* * *

Бул кўнгил. Руҳ ва Тан!
Яшаяпмиз, вужудни этиб бир маскан.
Кўнгил бўйсунмас ҳеч кимга.
Руҳ бўйсунмас — бу Танга.
Лек содиқмиз барчамиз
МЕН деган бир Ватанга!

### ХАЁЛИМНИ ОЛҒОН ДУНЁ

Оғу тўла шароб тутма,
Мен ташнаман, сароб тутма.
Қўй, дунёмни хароб этма,
Искандардан қолган дунё.

Сийловларинг нечун керак,
Ҳийлоларинг кимга эрмак,
Тўқиганинг фақат эртак
Ёлғон дунё, ёлғон дунё.

Адо бўлмиш ҳоли қуриб,
Шайтонларинг йўлдан уриб,
Минг йилдирки манзил юриб,
Толғон дунё, толғон дунё.

Кўзларимга ашъор битиб,
Қачон сенга олгум етиб.
Қиморида дилни ютиб
Олғон дунё, олғон дунё.

Ажал тўла шароб тутма,
Мен ташнаман, сароб тутма.
Қўй, ҳолимни хароб этма,
Хаёлимни олган дунё,
Искандардан қолган дунё.

### БУЛ КЎНГИЛ ТЎЛСАЙДИ

Армонлар бўғзимга тиқилар,
Оҳларим бўтадек бўзлайди.
Пойимга бардошлар йиқилар;
Бу юрак ненидир қумсайди,
Бу юрак тўлсайди, тўлсайди.

Бу юрак соғиниб яшайди,
Гоҳ кўниб, гоҳ кўнмай яшайди.
Кўнмоқдан оғриниб яшайди,
Бу кўнгил ненидир тусайди
Бу кўнгил ўссайди, ўссайди.

Жонимнинг жандаси сўкилар
Оҳ, руҳим маржондек тўкилар.
Кўзларга илашар эҳ, чўплар.
Бу кўнгил ненидир қумсайди
Оҳ, кўнгил ўссайди, ўссайди.

Синиқдир сабрнинг косаси,
Ингранар ўкинчнинг ғам саси
Жон ўйнар аламнинг ғамзаси.
Бу кўнгил ненидир тусайди
Бу кўнгил тўлсайди, тўлсайди.

Хазон келди, боғлар титрайди,
Ҳар япроқда армон титрайди.
Ул кўнгилда туганмас оғриқ
Кўнгил жароҳати битмайди.
Бу дил неларни тусайди?
Бу кўнгил тўлсайди, тўлсайди!!!

**Саодат УМУРЗОҚОВА**

## БИЛАСИЗМИ?

### ЭРКАКЛАРНИ АСРАНГ...

Америкалик тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, ёш эркаклар ўзига тенгдош аёлларга нисбатан 5 марта кўпроқ вафот этишар экан. Шунингдек, 50 ёшга етган эркаклар аёлларга нисбатан 2 марта кўпроқ қазо қилишади. Врачлар эса бунга аёлларнинг соғлигини сақлашга кўпроқ эътибор қаратадиган шифокорларнинг бир ёқламалиги сабаб бўлишини таъкидламоқдалар.

### БЕҒАМ ЯПОНЛАР

Статистика маълумотларига кўра, японлар дунёдаги энг беғам одамлар экан, чунки улар ер куррасининг энг хавфсиз мамлакатида истиқомат қиладилар. Ҳар йили хорижда беғамгина саёҳат қилувчи японларнинг 80 фоизи турли товламачи ва қаллоблардан жабр кўрадилар. Масалан, ишонувчан японлар саёҳат вақтида рюкзаги ёпиқми ё йўқлигини ҳеч қачон эслаёлмайдилар: ресторандан чиқаётиб сумкаси эсдан чиқади, ижарага олинган машинани тўхташ жойида қолдираётиб эса унинг сигнализация тизимини текширишни унутадилар.

## МАШҲУРЛАР ҲАЁТИДАН

Бир йигит Моцартдан симфония қандай ёзилишини сўради. Композитор шундай жавоб қилди:

— Симфония ёзиш учун ҳали сиз ёшсиз. Ижодингизни баллада ёзишдан бошласангиз, яхши бўларди.

У эса норозилик билдириб:

— Ахир ўзингиз ҳам ўн ёшга кирмасданоқ симфония ёзгандингизку? — деди.

— Ҳа, — деди Моцарт, — аммо мен ўшанда симфония қандай ёзилади деб ҳеч кимдан сўраганим йўқ эди-да.

* * *

Етти ёшли Моцарт Майн бўйидаги Франкфуртда концерт бераётганида унинг ёнига ўн тўрт ёшли нотаниш бола келиб:

— Ажойиб ижрочилик маҳоратинг бор экан! Мен ҳеч қачон бундай чалолмасам керак, — деди.

— Нега? Олдин бир кўриб боқчи. Агар чиқмаса, нота ёза бошла.

— Мен шеър ёзаман.

— Бу жуда қизиқарли. Яхши шеър ёзиш мусиқа ёзишдан кўра анча қийин бўлса керак-а?

— Йўқ, жудаям осон. Сен бир ёзиб кўргина...

Моцартнинг ўша суҳбатдоши Волфганг Гёте эди.

* * *

Бир куни машҳур венгер композитори Франц Листдан бир композиция тўғрисидаги фикрини билдиришни илтимос қилдилар.

— Бу асарда кўпгина янги жойлар бор экан, — деди у, —аммо биласизми?...

— Хўш, хўш, давом этаверинг.

— Биласизми, ўша янги жойлари яхши эмас, яхши жойлари янги эмас.

* * *

Машҳур актёр ва режиссёр Саша Гитри ўзининг песасидаги ролга ёш, талантсиз, аммо ниҳоятда гўзал бир актрисани таклиф этибди.

Бош репетициялардан бири тугагандан сўнг, унга актрисанинг ғазабланган онаси:

— Жаноб Гитри, менинг қизимга яхши роллар ярашади. У бу ролда ҳеч нарса гапирмай, патнисдаги арзимас бир хатни олиб кириш билан чекланиб қоляпти-ку ахир, — дебди ҳаяжонланиб.

— Жуда яхши, хоним, — дебди Гитри қизнинг онасига. — Бундан буён сизнинг қизингиз фақат аҳамиятли мактубларни олиб кира қолсин.

**Ш.ЭРГАШЕВ тайёрлаган**

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«ADOLAT KUCHI» адвокатлик фирмаси директори **Маъруфжон ТОЖИБОЕВ**ни туғилган куни билан фирма ҳамда «Xabar» газетаси жамоалари чин дилдан табриклайди.

Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларида омад тилаб қолади.

*• Ажаб дунё*

### ҚУРБАҚАЧА САКРАШ БЎЙИЧА РЕКОРД

АҚШнинг Калифорния штатидаги Стэнфорд университетининг 14 нафар талабаси 1991 йил, 26 май куни ажойиб бир рекорд ўрнатишди. Улар 1603,2 км. масофани 244 соату 43 дақиқа давомида худди қурбақалардек сакраб босиб ўтишди.

### СЕКИН СУЗУВЧИ БАЛИҚ

Денгиз отлари гуруҳига кирувчи балиқлар сайёрамизда энг секин ҳаракатланувчи ҳисобланади. Денгиз отчаларининг ўттизга яқин тури бор. Кичик балиқчалар, масалан митти денгиз отчалари ҳеч қачон тез суза олмас экан. Улар соатига 0,016 км. тезлик билан ҳаракатланади.

### ҒАРОЙИБ ЎСИМЛИК

Жанубий Африка республикасининг Трансвал вилоятида ўсадиган ёввойи фикуснинг илдизлари энг узун илдизлар сирасига киради. Бу ўсимликнинг илдизи рекорд даража — 120 метрга етган.

### ҚИСҚА МУДДАТЛИ КЛИП

1994 йили Америкадаги "Брутл Трут" рок гуруҳи атиги 2,18 сония давом этувчи видеоклипни суратга олди. Бир-бирини тез-тез қувиб ўтувчи кадрларда XX аср охирида Америка ҳаётида юз берган ёрқин ҳодисалар акс этган. Клип портлаш воқеаси билан ниҳояланади.

*• Туйғу*

## БОЛАЛИГИМ – БАҲОРИМ

Фарзанд ота-онанинг бахти, шодлиги, қувончи. Оила пойдеворини мустаҳкамловчи навқирон авлоддир. Болалик эса умр мезонининг покиза ва нафис хушбўй чечакларидир. Болалар дунёнинг беқиёс мўъжизасидир, у ёшлигида ота-онага қувонч бағишласа, умр поёнида таянч бўлади.

Боланикнинг олтинданда, дуру гавҳарданда бебаҳолиги, бетакрорлигини умр аталмиш йўлга чиққан йўловчилар англаб бораверадилар. Болаларни дунёга келтирувчи аёл эса табиатнинг буюк ихтиросидир. Аёл алласидан ғам-алам, уйқусизлик чекинади. Уни тинглаган қалбда меҳр-мурувват, садоқат, оқибат ва муҳаббат туйғулари ўсиб улғаяди.

Болалик — тошқин дарё, унинг жўшқин ва шиддаткор тўлқинлари қирғоқларни ювиб, кўнгилларни суғоради.

Болалик шаффоф булоқ мисоли тиниб билмай қайнайверади — қайнайверади, худди ҳаёт оқими қайнаётгандек.

Боланикнинг осмонида оппоқ парқулар, беғубор тилаклар, эзгу умидларнинг шифобахш ва нурли булутлари сузади. Булутлар ёмғири мисол қалбимизга тўкилган меҳр эса болалик осмонини ёритувчи қуёшдир.

Болалик поёни, чеки йўқ яшилликдир, унда фақат гуллар очилади, хушбўй райҳонлар, мушку анбарлар ҳиди уфурган нафис чечаклар юз очади.

Боланикнинг чаманида турфа қушлар, булбуллар чарх уради. Унинг саҳнасида эса инсонни ўзига мафтун этувчи ўлмас мусиқа садоси янграйди.

Болалик — мисоли тонгги шабнамдир...

Унинг гаштини инсон умри давомида ўзгача ҳиссиёт ва энтикиш билан эслайди. Бу ҳис эса умрнинг энг мусаффо, такрорланмас, тароватли ва ҳароратли даври бўлиб қолаверади.

**Марям АҲМЕДОВА**

*• Бу — қизиқ!*

### ЧАҚАЛОҚНИНГ НИКОҲИ

1986 йили Бангладешнинг Аминпуре шаҳрида 11 ойлик болакай билан 3 ойлик қизча ўртасида никоҳ маросими ўтказилди. Мақсад икки оила ўртасидаги низони бартараф этиш эди.

### 102 ЁШЛИ КЕЛИН

Минни Манро хоним бутун жаҳонда энг қари келин ҳисобланади. У Даддали Рейдга турмушга чиқаётган пайтда 102 ёшда бўлиб, куёв бўлмиш 83 ёшда эди.

### МАЛИКАНИНГ КЎЙЛАГИ... СПИДГА ДАВО!

Марҳума малика Диананинг қимматбаҳо ҳаворанг ипакли либоси Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган кимошдилардан бирида 200000 АҚШ долларига сотилиб, тушган маблағ ёш болалар касаллиги ва СПИДга чалинган кишиларни даволашда ишлатилган.

**МУАССИС:** Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

**Бош муҳаррир:** Шодмон ОТАБЕК

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОР,
Анатолий КУДИНОВ,
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мирпўлат МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
*Habar@uzapt.uzpak.uz*
ИНДЕКС: 64600
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма №Г-973.
5086 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА
Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОЕВ
Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00